ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ БИОХИЛМАХИЛЛИГИ ВА ТУР ТАРКИБИНИ ЎЗГАРИШИГА ИҲОТАЗОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

доцент Х.Ф.Хамроев

*Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилояти Қибрай тумани.*hamroyevhusen3@gmail.com

Кириш. Республикамиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўкис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжаликларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва экологик тизимни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилинди [1].

Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисмини чўлли ҳудудлар ташкил этиб, уларнинг ўсимлик дунёси ва уларнинг ўсиш шароити хилма-хилдир. Чўлли ҳудудлар асосан Қизилқум, Қорақум, Мирзачўл ва Қарши чўли каби чўллардан иборат. Бу ерларда ўсаётган ўсимликлар тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда псаммофит, гипсофит ва галофит ўсимликларга бўлинади. Тупроқ таркибида қум кўп бўлган ҳудудларда псаммофит, гипс кўп бўлган ҳудудларда гипсофит ва шўрланган тупроқларда галофит ўсимликлар ўсади [2].

Жанубий Қизилқум шароити ўсимликлар ўсиши учун ноқулай шўрланган, гипсли, қумоқ тупроқ таркибига эга. Қумли тупроқларда асосан псаммофит ўсимликлар экологик гуруҳи шаклланган ва бу ерда дарахтдан бир йиллик ўтгача бўлган ўсимликлар ўсади. Қумли чўлдаги дарахт бутали ўсимликлар қоплами оқ саксовул (Haloxylon persicum), черкез (Salsola richteri), қуёнсуяк (Ammodendron conolyi) ва аралаш саксовулзорлар

(Haloxylon persicum, Haloxylon aphyllum) формациялари, 60 дан ортиқ ассоциациялардан ташкил топган.

Бу ассоциацияларга ёрдамчи турлар жузғуннинг дарахтсимон ёки бутасимон турлари (Calligonum eripodum, C. caput-medusae, C. microcarpum, C. setosum, C. leucocladum), ҳар хил буталар-астрагал (Astragalus villosissimis, A.unifolilatus), боялич (Salsola arbuscula), чала бута ва кўп йиллик ўтлар-партек (Convolvulus divaricatus, C. Korolkovii), мавзолей (Mausolea eriocarpa), шўра (Artemisia diffusa, A. turanica, Aterra-albae), чогон (Halothamnus subaphyllus), эфемероидлар-илоқ (Corex physodes), ревень (Rheum turkestanicum), қўнғирбош (Poa bulbosa), коврак (Ferula assa-foetida), қисқа муддатли бир йиллик ўтлар-Tithymalus densis, Agriophyllum latifolium, A.minus, Corispernum lehmannianum, Salsola paulsenii, S.solerantha, эфемерлар Eremopyrum distans, E. Orientalis, E. Buonapartis, Senecio subden tetus, Malcolmia grandiflora, M. Africana, Isatis violascans, I. Minima, Spirorhychus Sabulogus, Tetracme recurvata, Streptoloma desertorum, Sohismus arabicus, Matricaria lomellata ўсиб ривожланади [3-6]

Паст тепаликли қумларда псаммофит ўсимликларнинг гипсофил ўсимликлар массиви- турон шўраси (Artemisia turanica), боялич (Salsola arbuscula), астрагал (Astragalus villosissimis, A.unifolilatus), партек (Convolvulus divaricatus, C. Korolkovii) учрайди. Кучли шўрланган тупроқларда бир йиллик шўрга чидамли ўсимлик типлари (Artemisia turanica, Gamonthus gamocarpus, Halimocnemis longifolia), ҳар томонга ўсувчи шўра, боялич, псаммофит ўсимликлар (Calligonum microcarpum, C. Leucocladum, Epherda strobilocea, Carexphysodes) ёки галлофит ўсимликлар (Astragalus unifolilatus, Convolvulus hamodoe, C. divaricatus) мавжуд [6].

Жанубий Қизилқумда ўсимликларнинг алмашинуви рельефга боғлиқ бўлиб, бу жараён инсон таъсирида ўзгариб бормоқда. Чорва молларнинг боқилиши, ҳар хил хўжалик обьектларининг барпо этилиши, қишлоқ

хўжалиги майдонларидан унумли фойдаланилмаслиги натижасида табиий ўсимликлар камайиб йўқ бўлиб бормоқда.

Тадқиқот услуби. Фитоценоздаги ўсимликлар шаклланиш динамикаси 10 та тажриба майдонида ўрганилди. Ҳар бир фитоценозда ўсимлик шаклланиш динамикаси ва ривожланиши, ўсиши бўйича систематик кузатувлар олиб бориш учун иҳота қаторлари ва қаторлар орасида жойлашган 3 та доимий трансектлар ажратиб олинди.

Бошқа майдонлардан фарқни аниқлаш учун ўлчами 50х2 м бўлган 4 та назорат трансектлари танланди. Ҳар бир трансектларда бир йилда 3 марта-баҳор, ёз ва кузда ўсимликларнинг тур ва миқдор таркиби бўйича ялпи ҳисоб олиб борилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқотлар олиб борилган фитоценозлардаги ўсимликлар қоплами ривожланиш жараёнларида ўзгариб турди. Бунда маҳаллий флора таркибини ташкил этувчи ўсимликларнинг ҳолати яхшиланиб, зичлиги ва миқдори ортиб борди. Бута, чала бута, чала бутача, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар ҳисобига турларнинг сони ҳам кўпайди.

Баҳор мавсумида ялтирбош *(Bromus tectorum* L*)* доминант бўлган эфемер ва эфемероидлар шаклланиб, улар асосий ўринни эгаллади. Кузатувлар мобайнида баҳор мавсумидаги ўсимликлар миқдори назорат вариантидан 1,1-9,8 марта юқорилиги аниқланди. Бунда барханли тупроқлардаги 1-фитоценозда назорат вариантидан 1,1-8,4 марта, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқлардаги 2-фитоценозда назорат вариантидан 2,3-8,1 марта ва сур-қўнғир тупроқлардаги 4-фитоценозда назорат вариантидан 6,8-9,8 марта юқори бўлди.

Ёз мавсумида эса баҳорги-ёзги ўт ўсимликлар, кўп йиллик ўтлар ва буталар асосий аҳамиятга эга бўлди. Ўсимликлар миқдори ва тупроқни ўсимликлар билан қопланиш даражасида уларнинг ўрни юқори бўлди.

Ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига баҳор сўнгидаги ҳаво ҳароратининг ортиши салбий таъсир кўрсатди ва ўсимликлар миқдори назорат вариантидан 1,1-5,4 марта юқори бўлди. Ёз мавсумида ҳам ўсимликлар миқдори табиий ва сунъий барпо этилган бошқа фитоценозлардан барханли тупроқлардаги 1-фитоценозда назорат вариантидан 2,1-2,5 марта, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқлардаги 2-фитоценозда назорат вариантидан 2,3-2,6 марта ва сур-қўнғир тупроқлардаги 4-фитоценозда назорат вариантидан 2,6-5,4 марта юқори бўлди.

Куз мавсумида эса ўсимликларнинг миқдори асосан бута, чала бута ва кўп йиллик ўтларга тўғри келди. Бу мавсумда ҳам иҳотазорларнинг таъсири натижасида ўсимликлар миқдори назорат вариантидан 1,3-13,7 марта юқори бўлди. Ўсимликлар миқдорининг назорат вариантига нисбатан юқори бўлишида июл-август ойларидаги ҳаво ҳароратининг кескин тарзда ортиши (45^{o}C) ва тупроқ юза қатламидаги намликнинг йўқолиши асосий омил бўлди. Бу мавсумда ҳам юқорида келтириб ўтилган фитоценозлардаги кўрсаткичлар бошқаларига нисбатан юқорилиги билан ажралиб турди.

Хулоса. Иҳотазорлар ўсимликлар миқдорига таъсир қилиш билан бирга уларнинг таркибига ҳам таъсир қилганлиги кузатилди. Ҳудудда ўсиб ривожланаётган янтоқ, астрагал ва туятовон каби ўсимликлар камайиб, уларнинг ўрнига ялтирбош, чогон, терескен ва изень каби ўсимликларнинг миқдори ортди. Бундан ташқари иҳотазорлар барпо этилган вақтда ҳудудда 5-8 та турдаги ўсимликлар ўсиб ривожланганлиги аниқланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу ҳудудда 25-30 га яқин тур ўсиб ривожланмоқда. Ушбу турлар орасидаги 4-6 та турнинг табиий равишда шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса иҳотазор барпо этиш орқали нафақат ушбу ҳудуддаги ўсиб ривожланаётган ўсимликлар миқдори ортиши билан бирга уларнинг тур таркиби ҳам ортишига эришиш мумкинлигини юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Бурыгин В.А. и др. Ботанические основы реконструкции пастбищ Южного Кызылкума. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1965. – 232 с.

Бурыгин В.А., Запрометов Н.С. О взаимостношениях древесно-кустарниковой и эфемероижной растительности в предгорьях юга Средней Азии. // Известия АН УзССР, 1955. - №5. – С. 43-51.

Бурыгин В.А. Растительный покров Узбекистана. В. 2-х т. – Т.: Фан, 1973. 404 с.

Мельникова Р.Д. Псаммофильная растительность – Psammophyta.// Растительный покров Узбекистана и пути его использования. Ташкент: Фан, 1973. – Т.2. 4 – 80 с.

Ҳамроев Ҳ.Ф. Жанубий Қизилқум ўсимликларнинг биохилмахиллиги. “Сохранение и устойчивое использование биоразнообразия лесных и плодовых пород” Республиканская научно-практическая конференция молодых ученых. Ташкент, 2010.

Ҳамроев Ҳ.Ф. Чўл яйловлари ҳолатини яхшилашда қора саксовулнинг ўрни. “Селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари” номли республика илмий-амалий анжумани материаллари. 20 май 2013 й. Тошкент, 2013.